O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: Info@xs.uz ● 2010 йил 16 январь, № 11 (4926) Шанба


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Ў. И. Барноевни Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Ўктам Исоевич Барноев** Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 15 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## О. Ш. Ашурматовни Сирдарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Ойбек Шодмонқулович Ашурматов** Сирдарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 15 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Т. И. Жўраевни Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Туробжон Икромович Жўраев** Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 15 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Р. Қ. Холматовни Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Рустам Курбонназарович Холматов** Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 15 январь

# СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ ФАРЗАНД




Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

**Мамлакатимизда навқирон авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб камол топиши йўлида эзгу саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бинобарин, сўнгги йилларда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш йўлидаги хайрли чора-тадбирлар туфайли туғиш ёшидаги аёллар ҳамда гўдаклар ҳаёти билан боғлиқ нохуш ҳолатлар кескин даражада камайишига эришилганлигининг ўзиёқ ушбу фикрни тасдиқлайди.**

Ғамхўрлик

Бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда Президентимизнинг 2009 йилнинг 13 апрелида қабул қилинган "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, айниқса, устувор аҳамият касб этмоқда. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда кенг жамоатчилик орасида соғлом турмуш тарзига риоя этишни тарғиб қилиш, репродуктив саломатликни асраш, оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатувчи шифо масканлари фаолиятини янада жонлантириш каби муҳим жиҳатлар қамраб олинган. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 1 июлдаги "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарори бу борадаги амалий ишларнинг янада кенг кўламда бажарилишини таъминламоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЯНГИ САЙЛАНГАН ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2010 йил 15 январь куни Қорақалпоғистон Республикаси янги сайланган Жўқорғи Кенгесининг биринчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда 2009 йил 27 декабрь ва 2010 йил 10 январь кунлари бўлиб ўтган сайловда сайланган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, сиёсий партиялар — Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, "Адолат" социал-демократик партияси ва "Миллий тикланиш" демократик партиясининг марказий органлари вакиллари қатнашди.

Сессияда сайлов якунлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисини сайлаш ва Вазирлар Кенгаши раисини тайинлаш масалалари кўриб чиқилди.

84-"Қоракўл" сайлов округидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Мусо Тажетдинович Ерниязов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси этиб сайланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси этиб Баҳодир Янгибоев тайинланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

## СЕУЛДА «ШАРҚ ВА ҒАРБ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРИ ЧОРРАҲАСИ: ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚАДИМИЙ МАДАНИЯТИ» КЎРГАЗМАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

***Корея Республикасининг Миллий музейида 2009 йил ноябрь ойида очилган "Шарқ ва Ғарб цивилизациялари чорраҳаси: Ўзбекистоннинг қадимий маданияти" кўргазмаси музей меҳмонларини энг кўп қизиқтирган ва сермазмун экспозицияга айланди.***

Дунё нигоҳи

Музейнинг Осиё санъати бўлими кўргазмалар учун мўлжалланган асосий залида Ўзбекистоннинг бой тарихи ва мероси ҳақида ҳикоя қилувчи антик даврлар — палеолит, неолит ва бронза асрларига тегишли 150 дан зиёд экспонатлар намойиш этилмоқда. Экспонатлар, шунингдек, Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг қадимий алоқалари ҳақида ҳам ҳикоя қилади.

Улар орасида Самарқанддаги Афросиёб музейидан ўрин олган, корейсларнинг Когурё давлатидан келган икки нафар элчининг VII асрларда ҳукмронлик қилган шоҳ Вархуман ҳузурида қабул қилиниши тасвирланган деворий расмлар фотосуратларининг намойиш этилиши қадимги даврларда ҳам менталитети, урф-одат ва анъаналари кўп жиҳатдан ўхшаш бўлган бизнинг халқларимиз Буюк Ипак йўли орқали мустаҳкам алоқаларда бўлганини яна бир бор тасдиқлайди.

Жанубий Корея санъатшуносларининг фикрларига кўра, ушбу кўргазманинг очилиши Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги маданий ҳамкорликнинг мустаҳкамланишида яна бир муҳим воқеа бўлди.

**Корея Республикаси Миллий музейи Осиё санъати департаменти директори Мин Бён-Хун** "Жаҳон" ахборот агентлигига берган интервьюсида "Ушбу кўргазмани Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги маданиятлар алмашинувига ёрқин мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Кўргазма кореяликларга Ўзбекистон маданияти, мамлакатингизнинг қадимий даврлардан буён бугунги кунгача бўлган тарихи билан яқиндан танишишга яхши имконият беради", дея таъкидлади.

У, шунингдек, кўргазма Корея Республикасининг босма оммавий ахборот воситалари ва телеканалларида кенг ёритилаётганини қайд этди. Бу кўргазмага корейс жамоатчилигининг қизиқиши юқори эканини яна бир бор исботлашини таъкидлади.

— Музей маъмурияти ушбу кўргазма ҳақидаги ахборотларни Марказий Осиё мамлакатлари, Хитой, Япония ва Франция каби давлатларнинг маданият марказларига бажонидил тарқатмоқда. Ўйлайманки, 2010 йилнинг сентябрь ойи охиригача Жанубий Корея аҳолисининг аксарияти ушбу кўргазмага келиб, Ўзбекистон маданияти билан бевосита танишади, — дейди, жумладан, у.

(Давоми 2-бетда).

***— Илгари бундай гўзал иморатларни бунёд этиш учун бизга ўхшаганларга йўл бўлсин эди, — дейди деворлари пишиқ ғиштдан кўтарилган қўшқаватли бинолардан кўзларини узолмаган Валижон. — Уй қурган тақдиримизда ҳам, ўн йиллаб вақт керак бўларди. Уям гувалаю хом ғиштдан тикланарди.***

## ЗАМОНАВИЙ ИМОРАТЛАР – ҚИШЛОҚЛАР КЎРКИ

Бунёдкорлик

Бинони бир илож қилиб қуриб олгач, янги кўчага шағал тўктириш, сув, электр, газ тармоғини олиб келиш сингари ташвишларни ўйласам, ҳалиям юрагим орқага тортиб кетади. Қишлоғимизда намунавий лойиҳалар асосида замонавий иморатлар қурилаётгани зап иш бўлди-да. Шу уйлардан биттаси — меники...

Дарҳақиқат, Андижон вилоятида кейинги йилларда ободонлаштириш ҳамда қурилиш соҳасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Қишлоқларда қад ростлаб, шаҳарлардаги иморатлар билан бўйлашаётган уй-жойлар кишининг ҳавасини келтиради. Муҳтарам Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида уйларни фақат замонавий лойиҳа асосида қуришга, уларда барча қулайликлар бўлишига эътибор қаратилаётганидан барча мамнун.

Вилоят, биласиз, зилзилали ҳудудлардан ҳисобланади. Шу боис деворга пойдевор қўйилар экан, табиий иқлим шароити, рельефи, географик, геологик хусусиятлари мутахассислар эътиборида бўлаётир. Вилоят архитектура ва қурилиш бошқармаси, назорат инспекцияси ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг тегишли бўлимлари ҳамкорликда иш юритаётганликлари эса ўз самарасини бермоқда.

Шаҳрихон туманидаги Абдубий қишлоғида яшовчи тадбиркор Валижон Қўзиев замонавий қишлоқларнинг қиёфасига кўрк қўшаётган пишиқ ғишт ҳамда мустаҳкам қурилиш материалларидан фойдаланилаётганини кўриб, "Менинг авлодларим бу уйларда камида беш юз йил яшайди", дея ғурурланди. Хонадон бекаси эса ўз ошхонасида иссиқ ҳамда совуқ сув мавжудлиги, ҳаммом ва бошқа зарур хоналар уй ичкарисида жойлашганини мамнунлик билан тилга олди. Муҳандислик тизими жорий этилгани, киши баҳридилини очадиган ям-яшил майдону гулзор, ҳовлининг озода ва орасталиги киши умрига умр қўшади, албатта.

Мазкур уйлар "Қишлоқ-қурилишлойиҳа" институти мутахассислари томонидан тайёрланган лойиҳалар асосида барпо этилаётир. Ҳар бири 3-4 хонадан иборат бўлган бу иморатларни "Ихтисослашган универсал қурилиш", "Камолот ишонч", "Муммаднаби барака" сингари ташкилотларнинг жамоалари жуда қисқа муддатларда қуриб, битказаётир. Олд биноларнинг томлари ёпилиб, пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Анжуман

***Дунё экологларининг таъкидлашича, кейинги пайтларда кузатилаётган турли табиий офатлар инсониятни бамисоли огоҳликка чорловчи бонгдир. Негаки, инсоннинг табиатга бўлган нооқилона муносабати оқибатида экологик ҳолат бузилиб, атроф-муҳит мусаффолигига путур етмоқда.***

## ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

Ачинарлиси, тириклик неъматлари саналган тупроқ, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, набобот ҳамда ҳайвонот турлари камайиш суръати айтарли пасаймаяпти. Шу боис кўлами жиҳатидан аллақачон умуминсоний аҳамият касб этган ушбу муаммо ечимига барча давлатлар бирдек эътиборни кучайтиришини, табиат муҳофазаси сари дадил қадам ташлашини ҳаётнинг ўзи тақозо қилаётир.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда табиий ресурслар умуммиллий бойлик ҳисобланиб, ундан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш қонун билан кафолатлаб қўйилган. Мустақиллик йилларида қабул қилинган тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг ижроси изчил таъминланаётгани боис она-табиатга салбий таъсир кескин камайди. Буни Тошкент вилояти мисолида яққол кўриш мумкин.

Гап шундаки, ҳududдаги саноат корхоналарида экологик мусаффоликка йўналтирилган лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаяпти. Натижада атмосфера ҳавосига ташланадиган заҳарли мод-

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## КИЧИК БИЗНЕСНИНГ УЛУШИ ОРТМОҚДА

***2009 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча манбалар ҳисобидан ажратилган кредитларнинг умумий миқдори 2008 йилнинг шу давридагига нисбатан***
**69,5 фоизга ошди.**

Натижада ўтган даврда кичик корхоналар сони ортиб, уларнинг саноатда, аҳоли бандлигини таъминлашда ва экспортдаги улуши сезиларли даражада кўпайди.



# СЕУЛДА «ШАРҚ ВА ҒАРБ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРИ ЧОРРАҲАСИ: ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚАДИМИЙ МАДАНИЯТИ» КЎРГАЗМАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мин Бён-Хуннинг фикрига кўра, музей маъмурияти "Шарқ ва Ғарб цивилизациялари чорраҳаси: Ўзбекистоннинг қадимий маданияти" кўргазмаси доирасида корееликлар Ўзбекистон маданиятининг турли қирраларидан хабардор бўлишлари учун ўзбек фильмлари, мусиқалари, рақслари, фотокўргазмалари билан танишув каби қатор маданий тадбирларни ҳам ўтказишни мўлжалламоқда. Ҳозирги кунда ушбу кўргазмани ўтказишга кўмаклашаётган кўнгиллилар учун Ўзбекистоннинг тарихий диққатга сазовор жойлари ҳамда музейлари йўналиши бўйлаб гуруҳ-гуруҳ бўлиб сайёҳлик сафарларини уюштириш режалаштирилмоқда.

— Корея ва Ўзбекистонни, шунингдек, Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларини маданий ва тарихий жиҳатдан чамбарчас ришталар боғлаб туришига қарамасдан, Корея Республикаси фуқаролари учун шу пайтгача ушбу минтақа маданияти билан бевосита танишиш имконияти мавжуд эмас эди. Мазкур кўргазма ушбу бўшлиқни тўлдиришга кўмаклашибгина қолмай, балки ўзаро маданий алмашув ҳамда мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда ҳам ўта муҳим аҳамиятга эгадир, — деди Мин Бён-Хун.

**Корея Миллий музейи ходими, тарих фанлари доктори Ким Хе Вон**нинг айтишича, ушбу кўргазмага қўйилган экспонатлар музейга келган ўзбек маданияти ва санъати ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотмоқда. "Шу ўринда Ўзбекистоннинг буддавийлик маданиятига оид экспонатларини алоҳида қайд этмоқчиман. Корейслар учун Ўзбекистонда буддавийлик маданиятининг мавжуд бўлганлиги ушбу мамлакатга нисбатан ғайриоддий яқинликни ҳис этишга имкон беради", деди у.

Бунга қўшимча қилиб, у нафақат корейслар, балки музейга келган Корея Республикасининг барча меҳмонлари Ўзбекистоннинг бой маданияти билан танишиш учун қулай имкониятга эга бўлишларини қайд этди.

— Кўргазманинг ўтказилиши мамлакатларимиз ўртасида маданий алмашинув соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Корея Республикаси ва Ўзбекистон ҳозирданоқ маданий соҳага оид турли йўналишларда фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўйлашимча, кўргазма мамлакатларимиз ўртасидаги яқин ҳамкорликнинг рамзи бўлиб хизмат қилади ва халқларимизнинг маънавий маданиятини янада чуқурроқ англашларига замин яратади, — деди кореялик санъатшунос.

"Шарқ ва Ғарб цивилизациялари чорраҳаси: Ўзбекистоннинг қадимий маданияти" деб номланган кўргазмага бўлган қизиқишнинг тобора кучайиши, хусусан, унга келаётганлар сонининг ортиб бораётганида яққол кўзга ташланмоқда. Шу маънода, кўргазмага келганлардан бири — **Ким Же-Гон**нинг бу хусусда айтган сўзлари жуда аҳамиятлидир. У ўз таассуротларини биз билан бажонидил ўртоқлашди:

"Мен қадимий Ўзбекистонга бағишланган ушбу кўргазмага илк бор ўтган ҳафтада келгандим. Кўргазма менда катта таассурот қолдиргани боис уни бу гал рафиқам билан яна бир бор келиб кўришга қарор қилдим. Барча экспонатлар, буддавийлик тарихининг излари, деворга чизилган суратлар кишини ҳайратга солади. Буюк Ипак йўлининг тарихи мени ҳар доим қизиқтириб келган. Буюк Ипак йўли бўйлаб икки бор саёҳат қилганман, шу боис Самарқанд ва Бухорони бориб кўришни жуда истайман. Ҳозирча ушбу кўргазма туфайли Ўзбекистоннинг кўҳна тарихи билан, қисман бўлса-да, ошно эканимдан бениҳоя хурсандман".

Таъкидлаш жоизки, Корея Республикаси миллий музейи ушбу мамлакатнинг энг йирик маданий марказларидан бири саналади. Ҳар йили музейга 3 миллионга яқин одам ташриф буюради, уларнинг 60 мингдан зиёдини чет эллик сайёҳлар ташкил этади.

Дарвоқе, кўргазманинг очилиши Корея Республикаси Миллий музейининг 100 йиллигига бағишланди ва 2009 йил 1-3 декабрь кунлари ушбу музей биносида ўтказилган "Марказий Осиё — Корея Республикаси" III анжумани кунлари билан бир вақтга белгиланди.

Кўргазманинг асосий ташкилотчилари Корея Республикаси Маданият, спорт ва туризм вазирлиги, Ташқи ишлар ва савдо вазирлиги, Жанубий Корея Миллий музейи, Ўзбекистон томонидан эса — "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон давлат тарих музейи кабилар ҳисобланади.

Корея Республикаси Миллий музейидаги кўргазма 2010 йилнинг 26 сентябрига қадар давом этади.

**«Жаҳон» АА.**

# ЗАМОНАВИЙ ИМОРАТЛАР – ҚИШЛОҚЛАР КЎРКИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Уй эгалари дастлабки 25 фоиз миқдоридаги тўловларни тўлаб бўлишди, — дейди туман ҳокимлигининг бош мутахассиси Расулжон Юнусов. — Тўловнинг қолган қисми 15 йил мобайнида банк томонидан бериладиган кредитлар бўйича тўлаб борилади. Даромад солиғининг ҳам кредитни узишга йўналтирилиши айни муддао бўлди.

Баркамол авлод йилида тумандаги "Бешариқ" маҳалла фуқаролар йиғини ўрамида ҳам 30 та тураржой биноси қад ростлайди. Демак, яна ўнлаб оилаларда ҳовли тўйлари бўлиб ўтади.

Олтинкўл туманининг марказига кираверишда кўркамликда қиёси йўқ яна бир маҳалла вужудга келмоқда. Унинг бошқа маҳаллалардан фарқи шундаки, 20 та иморат битказилгач, ҳудуд шаҳарча кўринишини олади. Бу ерда асосан ёш оилалар истиқомат қилишади.

— Оила — муқаддас даргоҳ, хонадон эса Ватаннинг мўъжаз бўлаги, — дейди қурувчи Ўктамжон Акбаров. — Биз бахтиёр ва баркамол авлоднинг палак ёзиб, илдиз отадиган даргоҳни бунёд этаётганимиздан бахтиёрмиз.

Саноқли кунлардан кейин вилоятнинг Асака ва Андижон туманларида қуриб битказилаётган бинолар ўз соҳибларини бағрига олади. 117 та ҳовли-жойда тўй-тантаналар бошланади. Баркамол авлод йилида эса қишлоқлар кўркига-кўрк қўшаётган иморатлар сони яна 700 тага ортади.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИМКОНИЯТ КАТТА, САМАРА ЮҚОРИ

***Президентимизнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригида алоҳида таъкидланганидек, бугун ўз салбий таъсирини ўтказаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамасдан, 2009 йилнинг ўзида ялпи ички маҳсулотимиз 8,1 фоизга, иқтисодиётимизга жалб этилган инвестициялар ҳажми 33 фоизга ўсди, аҳолининг реал даромадлари эса 26,5 фоизга, ойлик иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ўртача 40 фоизга ошди.***

Буларнинг бари, албатта, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар, давлатимиз раҳбарининг бу ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган кўплаб Фармон ва қарорлари ижроси натижасидир. Мисол учун, ўтган йили Фарғона вилояти иқтисодиётида юз берган ўзгаришларга бир назар ташлайлик.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, якунланган йилнинг ўн бир ойи мобайнида бу ерда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми икки ярим миллиард сўмликка етиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу

**Фармон ва ижро**

давридагига нисбатан 7,3 фоизни ташкил этди. Айниқса, вилоятда чет эл сармояси ҳисобига "Барс", "Оршахтекстил", "Аль-Сайд Сано", "Марғилон — Осиё текс" қўшма корхоналари қурилиб, фойдаланишга топширилгани, уларда тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат ички бозорга, балки хорижлик харидорларга ҳам етказиб берилаётгани диққатга сазовордир.

Шу билан бирга, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирининг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган махсус дастурга кўра, ўтган йили вилоятда 83 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилгани, унинг ҳар иккитасидан бири қишлоқ жойларига тўғри келгани кимни қувонтирмайди дейсиз?

Яна бир гап. Президентимизнинг мазкур Фармонига биноан, вилоятда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари таннархини камида йигирма фоизга камайтириш бўйича чора-тадбирларни рўёбга чиқариш белгиланган эди. Натижада 14 та хўжалик юритувчи субъектда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва хизматлар таннархини 10,3 фоиздан 21 фоизгача пасайтиришга эришилди. Жумладан, бу кўрсаткич Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида 20,1 фоизни, "Фарғонаазот" очиқ акциядорлик жамиятида 18,3 фоизни ташкил этди. Бундай ижобий натижалар Қўқон ва Фарғона нефть базалари унитар корхоналарида, "Кварц" акциядорлик жамиятига қарашли шўъба корхоналар, Фарғона ва Қўқон шаҳарларидаги ёғ-мой акциядорлик жамиятларида ҳам кузатилди.

Бундан ташқари, "банкрот" деб эълон қилинган ҳамда мулклари бир неча маротаба аукцион савдоларига чиқарилган бўлишига қарамай, ҳанузгача сотилмай келаётган корхоналарни тижорат банклари тасарруфига бериш тажрибаси ҳам ўз самарасини кўрсатаяпти. Боғдод туманидаги "Шарқ неъматлари" қўшма корхонаси "Асака банк"нинг молиявий кўмагида қайта модернизация қилингач, иш янада жонланиб кетгани бунга мисол бўла олади.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг ушбу Фармони асосида корхоналар ишлаб чиқаришини ривожлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши улар учун кенг имкониятлар яратаяптики, айни кунларда бунинг самараси жойларда кўзга яққол ташланмоқда.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

...далар миқдори камайди, баъзи корхоналарда эса чиқитсиз ишлашга эришилди. Бунга Бекободдаги металлургия комбинати фаолияти мисол бўла олади. Бу ерда металл парчаларини қайта ишлаш цехларидан тарқаладиган заҳарли чиқиндилар қайта ишланадиган цех қурилди. Пировардида йилига 150 тонна зарарли моддани қайта ишлаш имконияти яратилди.

Айни пайтда вилоятда "Соф ривожланиш" лойиҳаси рўёбга чиқарилмоқда. У тўлиқ бажарилгач, атроф-муҳит мусаффолиги янада яхшиланиши аниқ. Бу ҳақда Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган "Юксак экологик маданият — тараққиёт гарови" мавзуидаги матбуот анжуманида атрофлича маълумот берилди.

Таъкидландики, аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг экологик маданиятини янада юксалишида таълим-тарбиянинг ўрни бениҳоя катта. Экологик таълимни ривожлантириш, эколог кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилашда, айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан қабул қилинган қўшма қарор муҳим омил бўлмоқда.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилаяпти. Яқинда мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган ўқув қўлланмалари чоп этилгани бунинг тасдиғидир.

Анжуман доирасида мазкур адабиётларнинг тақдимоти ҳам ўтказилди.

**С. РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ ФАРЗАНД

(Давоми. Боши 1-бетда).

Республика ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказида ҳам ҳаётий аҳамиятга эга бўлган ана шундай саъй-ҳаракатлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Марказимиз олим ва мутахассислари репродуктив саломатликни асраш борасида замонавий технологияларни самарали қўллаш, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга катта эътибор бермоқда. Бу ерда мамлакатимиз миқёсида биринчилардан бўлиб, бепуштликни даволашнинг ноёб усуллари қўлланила бошланди. Бундан ташқари, шифо масканида гинекологик ва урологик хасталикларни даволаш, соғлом наслни дунёга келтиришда тўсқинлик қилувчи омиллардан бири — инфекцияларга қарши курашиш учун етарли имконият ва шарт-шароитлар мавжуд. Марказнинг Перинатал бўлимида эса гинекологик хасталикларга ультратовуш диагностикаси ёрдамида ташхис қўйилади. Йилига жами эллик минг нафардан зиёд беморга хизмат кўрсатяпмиз, улар орасида нафақат мамлакатимиз, шу билан бирга қўшни давлатлардан келиб, мурожаат қилаётганлар ҳам бор.

Бугунги кунда марказнинг Жиззах, Наманган, Қарши ва Нукус филиаллари замонавий техник жиҳозлар, тиббий ташхис ускуналари билан тўлиқ таъминланган бўлиб, яқин орада барча вилоятларда ҳам ана шундай мукаммал шарт-шароитларни яратиш кўзда тутилган.



Шифо масканида ҳомиладорлик даври ва ундан кейинги асоратларнинг олдини олишга хизмат қиладиган махсус лаборатория мавжуд. Шу ўринда, айтиш жоизки, бўлғуси оналар соғлиғига хавф солувчи бу сингари асоратлар туғуруқ пайтида кўп қон йўқотиш, ҳомиладорликда қон босимининг ошиши каби нохуш ҳолатлар туфайли ҳам келиб чиқади. Негаки, соматик, гинекологик хасталиклар, доимий стресслар, нотўғри овқатланиш каби носоғлом турмуш тарзи она организмининг иммун тизими издан чиқишига сабаб бўлиб, оқибатда туғуруқ асоратли кечишига олиб келиши мумкин. Шу боис ёшларимизда рисоладагидек ҳаёт кечириш, ўз саломатлигига эътиборли бўлиш, зарарли иллатларга ён бермасликка интилиш ҳиссини кучайтиришга эришишимиз лозим. Чунки фақат соғлом ота-онадангина соғлом, баркамол ва бақувват фарзанд дунёга келади.

Аслида ҳам, бўлғуси ота-она ўз саломатлигига жиддий эътибор қаратсагина, ундан соғлом фарзанд дунёга келади. Бу барчамизга аён ҳақиқат. Шу боис ёш оилалар туғиш ёши 20 дан 35 ёшгача бўлиши лозимлиги, туғуруқ оралиғи эса энг камида 3-3,5 йил бўлиши кераклиги хусусида етарли тушунчага эга бўлишлари, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, саломатлиги ва туғилажак фарзандининг соғлиғига хавф солиши мумкин бўлган хасталиклардан ўз вақтида фориғ бўлишга эътибор қаратишлари лозим. Бундан ташқари, эрта ёшдаги туғуруқ, қариндошлар ўртасидаги никоҳ сингари ўз тақдирига лоқайдлик билан муносабатда бўлиш ҳолатлари носоғлом гўдак туғилишига сабаб бўлади. Бу тушунчаларни ёшларимиз онгига ўсмирлик давриданоқ сингдириб бориш даркорлигини унутмаслик лозим. Келажакда она бўлгувчи қиз тўққиз-ўн ёшидан бошлаб, йилига икки маротаба болалар гинекологи кўригидан ўтиб туриши, вояга етиш даврида унинг саломатлиги шифокорнинг доимий назоратида бўлиши даркор. Бундай ёндашув келгусида жиддий муаммолар келиб чиқишининг олдини олиш, ҳар жиҳатдан соғлом авлодни шакллантиришнинг муҳим омилидир.

**Саидазим СУЛТОНОВ,**
**Республика ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази директори.**

***Бу йилги қиш об-ҳавоси бир оз ноодатий келгандек гўё. Шундай эмасми? Янги йилни қорсиз қарши олган эдик, буёғига ҳам айтарли ёғингарчилик кузатилмаяпти. Ахир қишнинг иккинчи ойида турибмиз. Айни пайтда ўзаро суҳбатларда ҳам шу масала асосий мавзулардан бирига айланган, десак муболаға бўлмас. Хўш, қиш қишлигини қиладими? Олдимизда қорли кунлар борми? Албатта, бунга аниқ ва асосли жавобни соҳа ходимларидан эшитган маъқул. Шу боис биз республика Гидрометеорология хизмати маркази мутахассисларига мурожаат қилдик. Бу ҳақда сал кейинроқ...***

# ОБ-ҲАВОДАГИ КУТИЛМАГАН ЎЗГАРИШЛАР

## дунё иқлимшунослари томонидан турлича таҳлил этилмоқда

Оммавий ахборот воситаларини кузатаётган бўлсангиз, чиндан ҳам дунё иқлимида хилма-хиллик кузатилаяпти. Қаердадир қалин қор ёққан, бошқа бир ерда сув тошқинлари содир бўлаяпти, ҳатто, баъзи давлатларда ўрмон ёнғинлари қайд этилди. Ажабланарли жиҳати, бундай ҳодисалар юз берган мамлакатларнинг аксарияти табиати учун аслида бундай об-ҳаво хос эмас. Яъни, мавсумни қаттиқ аёзда ўтказадиганлар илиқ ҳароратда кун кечиришаётган бўлса, аксинча, кутилмаган совуқдан саросимага тушиб қолган мамлакатлар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Аниқ мисолларга ўтсак. "Қирғоқларини Атлантика океанининг илиқ сувлари ювиб турадиган Европа қитъаси анчадан буён бундай қаҳратонни кўрмаган эди", қабилидаги маълумотлар ўтган йилнинг январь ойида оммавий ахборот воситаларида бот-бот тилга олинганди. Ўша пайтда Германия ва Польшада ҳаво ҳарорати 25 — 29 даражагача совиб кетганди. Нидерландиядаги энг катта порт шаҳар — Роттердам сувлари қаттиқ музлагани учун охирги ўн уч йил ичида биринчи марта музёрар кемалардан фойдаланишга тўғри келган, ҳаттоки, Дрезден шаҳридаги ҳайвонот боғида Антарктида пингвинлари(!) совуқдан азият чеккани айтилган. 2009 йил охири ва 2010 йил бошланиши билан яна ўша "анъана" қайта кўз очди. Буни қарангки, Даниянинг Копенгаген шаҳрида бир қатор мамлакат вакиллари йиғилиб, айнан глобал исиш муаммосини муҳокама қилаётган қизғин бир паллада Европага том маънода қаҳратон қиш ёпирилиб келди.

Одатда, Ғарбий Европада қиш мавсуми ёмғир, намгарчилик, кам миқдордаги қор ёғиши, минус беш даражали совуқ ҳарорат билан ўтиб кетарди. Бироқ охирги икки йилда кузатилаётган аёзни мутахассислар аллақандай тушунарсиз об-ҳаво ҳодисаси, дея баҳолашмоқда. Бу ҳолат европаликларга 1709 йилги воқеаларни эслатиб юборди. Интернет манбаларида келтирилишича, ўшанда Скандинавиядан тортиб Италия, Франция ва Чехиягача бўлган ҳудудлар уч ҳафталик қаҳратон исканжасида қолиб кетганди. "Буюк совуқ" ёки "Буюк қиш" номини олган ушбу давр деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачиликка жиддий зарар етказгани учун баъзи жойларда очарчилик кузатилганди. XVIII асрда яшаб ўтган бургундиялик руҳонийлардан бири бу ҳақда шундай ёзиб қолдирган: "Нон шу даражада қотиб қолган эдики, уни болта билан майдалашга тўғри келганди. Чорва моллари оғилда, ёввойи ҳайвонлар ўрмонда, шароблар бочкаларда музлаб қолганди".

Маълумотларга кўра, 1709 йилги қаттиқ совуқ ва келиб чиққан очарчилик туфайли юз минглаб киши ҳаётдан кўз юмган экан. Бу машъум палла Берн университетида фаолият юритадиган машҳур иқлимшунос олим Йорг Лютербахер томонидан энг совуқ фасл сифатида қайд этилди (2004 йилда), аммо орадан 4-5 йил ўтиб, уч аср олдинги манзара яна такрорланаётгани ҳақида бугун мудом бериб борилаётган турли хабарлар орқали билиб олиш мумкин.

**Шарҳ**

2010 йил арафаси ва бошланишида кутилмаганда ташриф буюрган аёз "қаҳри"га бир қатор мамлакатлар, айниқса, Европа давлатлари аҳолиси тайёр эмаслиги яққол сезилиб қолди. Хусусан, немислар юртида юздан ортиқ автомобиль тун бўйи йўлларда қолиб кетган бўлса, Франция билан Германияни боғлайдиган магистралда соатлаб ҳаракат тўхтаб қолган. Қор қалинлиги Берлин шаҳрида 27 см., Лейпциг шаҳрида 30 см.гача етди. Нидерландияда уч киши, Чехия ва Бельгияда тўрт нафардан одам аёзнинг қурбонига айланди. Ҳозиргача туманли Альбионда қарийб ўттиз киши тана ҳароратининг пасайиб кетиши туфайли вафот этган бўлса, шифохоналар сирпанчиқ йўлларда кўпайиб кетган турли бахтсиз ҳодисалардан жароҳат олганларга тўлган. Польшада эса тахминан тўқсон киши ҳаётдан кўз юмди. Жабрланганларнинг аниқ сонини айтиш эса анча мушкул. Шотландиянинг Кент графлигида шу пайтгача кузатилмаган рекорд ҳарорат — минус 22 даража қайд этилгани боис армия фавқулодда вазиятларга шай ҳолатга келтирилган. Қолаверса, Европанинг бир қатор давлатларида Янги йил муносабати билан мактабларда эълон қилинган таътил қор ва совуқ туфайли яна бир ҳафтага узайтирилган.

Бу борада аэропортлар мавзусига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Минглаб йўловчилар авиарейслар кечиктирилиши ёки бекор қилиниши муносабати билан кутиш залларида қолиб кетганидан хабардорсиз. Ўтган дам олиш кунлари "Франкфурт" аэропортида 320, "Барахас" (Мадрид) аэропортида 137 та рейс бекор қилинди, деб ёзади интернет сайтлари.

Буюк Британиядаги "Хитроу" ва "Гэтвик" аэропортлари, темир йўл компаниялари фаолиятида мажбурий танаффуслар тез-тез кузатиляпти. Масалан, ўтган йилнинг 18 декабрь куни Ла-Манш бўғози остидан ўтган ер ости темир йўлида "Евростар" компаниясига тегишли поезд йўловчилари билан қолиб кетди. Болтиқ денгизида кемалар қатнови, Португалияда эса 50 та асосий йўлда ҳаракат тўхтаб қолган. Испания, Франция, Буюк Британия, Германия ва яна бошқа бир қатор мамлакатларда қишлоқлар йўллардаги муаммолар туфайли ташқи дунёдан узилиб қолган.

Масалага иқтисодий нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, ноқулай об-ҳаво сабабли кўҳна қитъа давлатлари бир неча миллиард евро атрофида зарар кўрди, дейилади "Франс-пресс" ахборотида. Мутахассислар молиявий инқироз анча нозиклаштириб қўйган ушбу ҳудуд иқтисодиёти табиий таъсирдан кейин янада ёмонлашиши мумкинлиги ҳақида айтишмоқда.

"Ди-Ай-Эйч-Кей" иқтисодиёт институти вакили Фолькер Трейернинг "Билд" газетасига берган интервьюсида, агар об-ҳаво яқин кунлар ичида яхшиланмаса, биргина Германиянинг ўзи 2 млрд. евро миқдорида зарар кўриши мумкинлиги ҳақида маълум қилинган. Буюк Британия иқтисоди эса 1 млрд. фунт стерлинг (1,1 млрд. евро) йўқотади.

Жиддий иқтисодий муаммолардан кейинги тикланиш даври сифатида башорат қилинган 2010 йилнинг бундай тарзда бошланиши Европадаги вазиятни баттар мураккаблаштиргани рост. Кундалик эҳтиёж молларини етказишдаги узилишлар, савдо-сотиқ, хизмат кўрсатиш соҳаларидаги оқсоқликлар ижтимоий-маиший муаммоларни келтириб чиқармоқда. Биргина Польшада 70 мингдан ортиқ хонадон икки кун давомида электр қувватисиз қолиб кетгани фикримиз тасдиғидир.

Албатта, қаҳратон қиш фақат Европани синовдан ўтказаётгани йўқ. Ер куррасининг бошқа нуқталари, жумладан, Хитойда охирги олтмиш йил ичида, Корея ярим оролида эса 1937 йилдан бери бундай мураккаб об-ҳаво кузатилмаган экан. АҚШнинг Флорида штатида апельсинзорлар ва тропик балиқ турлари нобуд бўлди. Ҳозирча олимлар юқоридаги каби салбий оқибатларни келтириб чиқарган совуқ сабаблари бўйича аниқ илмий хулосага келганлари йўқ.

Албатта, биз бундай қаҳратон бўлишидан умидвор эмасмиз. Лекин қишда қор кутишимиз табиий. Республика Гидрометеорология хизмати маркази мутахассисларининг изоҳлашича, бизда Ўрта Осиё иқлимига хос одатий ўзгарувчан об-ҳаво кузатилмоқда. Январь ойи мисолида айтиладиган бўлса, ушбу даврда 2006 йил қаттиқ совуқ келиб, ёғингарчилик (қор) ҳам кўп бўлган. Лекин 2007 йилда нисбатан илиқ ҳаво қайд этилиб, қор камроқ ёққан. 2008 йилда жудаям совуқ бўлишига қарамай, ёғингарчилик меъёридан нисбатан кам бўлган.

Жорий йил январь ойининг илк ҳафтаси ҳам иссиқ келди. Хусусан, биргина Тошкентда ҳарорат кечаси +10°С, кундузи +19 °С даражагача кўтарилди. Ёғингарчилик ҳам нисбатан кам бўлди. Бунга мамлакатимизга жанубдан иссиқ ҳаво оқимининг кириб келгани сабабдир. Олдимиздаги уч-тўрт кун ичида эса республикамизда ҳарорат кескин пасайиб, 16-18 январь кунлари ёмғир, қор ёғиши кутилмоқда. Чунки шимоли-ғарбдан совуқ ҳаво оқими кириб келаётир. Булар нимани кўрсатади? Бизда қиш мавсуми ҳар йили шундай ўзгарувчан бўлишини англатади. Ҳали қишнинг ярми турибди. Табиийки, ушбу даврда ҳам ҳарорат ўзгариб туради. Ҳатто, мартнинг дастлабки ўн беш кунигача қор ёғиши эҳтимолдан холи эмас экан.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

**_Кейинги пайтларда дунёдаги давлатларнинг аксариятида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида корхоналарнинг касодга учраётгани, йирик фирмалар ходимларининг бўшатилаётгани ҳақида матбуотда бот-бот хабарлар берилмоқда. Ана шундай мураккаб бир шароитда мамлакатимиз иқтисодиётида барқарор ривожланиш суръатлари сақлаб турилгани, халқаро миқёсда эътироф этилаётгани диққатга сазовордир._**

# ҲАМ ШИРИН, ҲАМ ФОЙДАЛИ

**қандолат маҳсулотлари пойтахтимиздаги “Azia biskvit” корхонасида ишлаб чиқарилмоқда**




Экспертларнинг таъкидлашларича, бунда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури ижроси изчил таъминланаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2008 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги фармонлари иқтисодиётимиз тармоқларини ривожлантириш, айниқса, ишлаб чиқариш корхоналарида иш кўламини оширишда дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Бу жараёнда, айниқса, тижорат банкларининг фаол иштирок этаётгани туфайли иқтисодий ночор корхоналар ўз салоҳиятини тиклаб олаётир.

Гап шундаки, илгари банклар, асосан, кредитнинг қайтарилишига боғлиқ масалалар билан шуғулланган бўлса, эндиликда улар корхоналарни қайта тиклаш, техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш орқали хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини барқарорлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бу, ўз навбатида, ижобий самара бермоқда. Тошкент шаҳридаги “Azia biskvit” масъулияти чекланган жамияти фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.

### Ислоҳот

Айтиш жоизки, тегишли тартибда банкрот, деб топилган “Паста Камола” қўшма корхонаси ва “Осиё Фуд” акциядорлик жамиятининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига берилган мол-мулклари негизида айнан шу корхона — “Azia biskvit” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Банк маблағи ҳисобидан қаровсиз ҳолга тушиб қолган корхона бино ва иморатлари қайта таъмирланиб, Германиянинг “Левати” ва Италиянинг “Имафони” ишлаб чиқариш линиялари тубдан модернизация қилинди. Пировардида печенье маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу жараёнда нафақат ишлаб чиқариш суръатини оширишга, балки унинг сифатини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада бугунги кунда “Azia biskvit” ёрлиғи туширилган 20 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар тобора харидоргир бўлиб бормоқда.

Улар мазалилиги ва табиийлиги билан истеъмолчилар эътиборига тушмоқда. Айниқса, кунжутли, шоколадли, сутли, қулупнайли, қаҳвали печеньелар калорияси, сифати ва қадоқланиши, шунингдек, санитария-гигиена талаблари бўйича жаҳон андозаларига тўла жавоб бераётир.

— Корхонамизнинг оёққа туриб олишида “Ўзмиллийбанк” қошидаги “NBU Investment” очиқ акциядорлик жамиятининг амалий ёрдами беқиёс, — дейди директор Шекержи Халдунжан. — Банк томонидан ажратилган сармоялар ва айланма маблағлардан мақсадли фойдаланишимиз натижасида қисқа муддат ичида кўнгилдагидек натижаларга эришдик. Ўтган 2009 йилнинг ўзида 654 миллион сўмлик 350 тонна печенье маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бунда, табиийки, давлат томонидан иқтисодий ночор корхоналарга берилган имтиёзлар, хусусан, уларнинг ер, мол-мулк, фойда солиғи ва ягона солиқ тўловини тўлашдан уч йил муддатга озод қилингани қўл келмоқда. Тежалган маблағни эса бугунги кунда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш мақсадларига сарфлаяпмиз.

**Шу** билан бирга, маҳсулот турини янада кўпайтириш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи истеъмол товарлари билан тўлдириш учун хориждан замонавий линиялар олиб келиб ўрнатишга киришганмиз. Ҳадемай, улар ёрдамида чипс, вафли каби янги маҳсулотларни тайёрлашни йўлга қўямиз.

**Шаҳзода НАЗАРОВА.** t

---

### Хабарингиз борми?

## ГИБРИД ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ

Шу кунгача “Ўзбекистон почтаси” очиқ акциядорлик жамияти томонидан амалда анъанавий ва электрон пул ўтказмалари хизмати кўрсатиб келинарди.

Хусусан, анъанавий пул ўтказмалари барча почта алоқаси шохобчаларида, электрон пул ўтказмалари эса “Электрон пул ўтказмалари автоматлаштирилган тизими”га боғланган 216 та бўлимда амалга ошириларди.

Эндиликда бунга яна бир хизмат тури — гибрид пул ўтказмаси хизмати қўшилди. Гап шундаки, “Ўзбекистон почтаси” очиқ акциядорлик жамияти томонидан “Гибрид пул ўтказмаси хизматини кўрсатиш бўйича вақтинчалик тартиб” тасдиқланиб, жорий йилнинг 1 январидан амалиётга киритилди. Унга кўра, компьютерлаштирилган почта алоқаси бўлимларида жўнатиш учун қабул қилинган пул ўтказмаси туман ва шаҳар почта алоқа тармоқларида электрон тизимга ўтказилади, натижада уларни етказиш ҳамда тўлаш жараёни янада тезлашади.

**А. АБДУМАННОНОВ,**
**«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг матбуот хизмати раҳбари.**

---

## ЖАҲОН 24 соат ичида

**_Оқ уй маъмурияти Конгрессдан Ироқ ва Афғонистондаги ҳарбий кампанияни молиялаштириш учун яна 33 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ сўрамоқчи._**

### Конгрессга тақдим этилди



Бу ҳақда “Ассошиэйтед пресс” ахборот агентлиги хабар тарқатди. Мазкур истак қонун чиқарувчиларга Пентагоннинг 2011 йилги бюджети билан бирга юборилади.

Мутахассисларнинг фикрича, Мудофаа вазирлигининг 2011 йилдаги бюджети миқдори 700 миллиард доллар атрофида бўлиши мумкин.

### Номзодлар маълум

**_Британия академияси томонидан кино ва телевидение соҳасида ўтказиладиган танлов(BAFTA)га номзодларнинг номи эълон қилинмоқда._**



Танлов ҳайъати даставвал “Умидли юлдуз” ва “Хориж тилидаги энг яхши фильм” номинацияларига даъвогарларни аниқлади. Хусусан, актёрлар Ноэль Кларк, Жесси Айзенберг, Николас Холт, Кэри Маллиган, Тахар Раҳим ва Кристен Стюарт “Умидли юлдуз” йўналишида ўзаро беллашадилар.

“Хориж тилидаги энг яхши фильм” учун эса “Қўйиб юборинг мени” (Швеция), “Коко до Шанель”, “Башоратгўй” (Франция), “Оқ тасма” (Австрия) каби фильмлар даъвогарлик қилади.

“BAFTA” танлови 1947 йилдан бери ўтказиб келинади. Унинг навбатдаги ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими жорий йилнинг 21 февралида Лондонда бўлиб ўтади.

### Тадқиқот давом этади

**_Сўнгги пайтларда мобиль алоқа воситаларининг инсон саломатлигига салбий таъсири ҳақида кўп гапирилмоқда._**




Флоридада тадқиқотлар олиб борган бир гуруҳ олимлар бошқача фикрларни айтишмоқда. Улар бундай воситалар инсонни альцгеймер хасталигидан муҳофаза қилиш хусусиятига эга эканини аниқлашган. Гуруҳ раҳбарининг фикрича, алоқа воситасидан тарқаладиган электромагнит нурларининг таъсири бунда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, олимлар бу борадаги изланишларни давом эттиришларини айтишмоқда.

Эслатиб ўтамиз, айни шу мутахассислар гуруҳи олдинроқ кофеин истеъмол қилиш кексаларда хотира сусайишининг олдини олишини илмий жиҳатдан исботлаб беришганди.

### Вақтинча тўхтатилди

**_Жаҳонга машҳур “Fiat” автоконцернининг Сицилиядаги корхонаси фаолияти вақтинча тўхтаб қолди, дейилади “Ассошиэйтед пресс” ахборотида._**



Гап шундаки, бу ерда ходимлар иш ташлаш уюштиришган. Норозиликнинг келиб чиқишига эса маъмуриятнинг молиявий қийинчиликлар туфайли яқин вақт ичида мазкур корхонани ёпишга қарор қилганлиги сабаб бўлган. Мутасаддилар ушбу чора-тадбир инқироз таъсиридан қутулишда самарали восита, деб ҳисоблашмоқда.

**_Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди._**

---

### Танлов

**_“Энг намунали милиция таянч пункти” республика кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди._**

## ФАОЛЛАР АНИҚЛАНДИ

Унда Қарши шаҳридаги Хонтепа маҳалласи ҳудудидаги 290-милиция таянч пункти биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Айтиш лозимки, бу осойишталик маскани замонавий услубда қурилган ва барча зарур воситалар билан жиҳозланган. Профилактика инспекторлари маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш соҳасида ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Шунингдек, танловда Нишон тумани Нуристон шаҳарчасидаги 252 ва Деҳқонобод туманидаги «Бибиқорасоч» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 244-милиция таянч пунктлари кейинги ўринларга лойиқ кўрилди.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
☎ 236-09-25


---

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги «2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ,**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

**ўқув компьютер синфлари учун тўғри келадиган бутловчи қисмларни харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилади.**

Тендер савдолари очиқ турда ўтказилиб, унда умумтаълим мактаблари учун арзон нархларда ва сифатли компьютер техникалари учун тўғри келадиган бутловчи қисмларни етказиб бериш имкониятига эга бўлган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик мақомига эга бўлган — Ўзбекистон Республикаси резидентлари иштирок этишлари мумкин.

Тендер савдоларида тендер ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган юридик шахслар иштирок эта оладилар.

**Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайдилар:**

- *қайта ташкил этилиш, тугатилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлган;*
- *белгиланган муддат ичида саралаш босқичи учун барча талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этмаган;*
- *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари билан аввал имзоланган шартномалар шартлари бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;*
- *тендер савдоси ўтказилиши тўғрисида эълон чоп этилган кунга қадар ташкил этилганлигига 6 ойдан кам бўлган;*
- *охирги ҳисобот даврига йиллик айланма маблағи ҳар бир лот бўйича тендер таклифи суммасидан кам бўлган;*
- *Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари билан суд ёки арбитраж жараёнларини бошдан кечираётган;*
- *мазкур тендерда белгиланган бутловчи қисмларни етказиб берувчининг ишлаб чиқарувчидан тасдиқланган ваколати (авторизацияси) бўлмаса.*

Тендер савдосида қатнашмоқчи бўлган талабгорлар уларнинг тендер таклифлари солинган конвертлар очилишидан олдин тендер комиссияси ёки тендер комиссиясининг ишчи органи томонидан ўтказиладиган саралаш босқичи (квалификационный отбор)дан ўтишлари лозим. Бунда талабгорлар тендер комиссиясининг ишчи органига тендер таклифлари билан биргаликда алоҳида папкада қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- *Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаларидан талабгор банкротлик жараёнида эмаслиги тўғрисида маълумотнома;*
- *давлат рўйхатига олувчи органдан талабгор тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;*
- *талабгорнинг давлат рўйхатидаң ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
- *давлат солиқ инспекциясидан талабгорнинг тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон чоп этилган кунгача бўлган даврда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарзи йўқлигини тасдиқловчи солиштирма далолатноманинг асл нусхаси;*
- *талабгорга хизмат кўрсатувчи банкдан талабгорнинг тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон чоп этилган кунгача бўлган даврда асосий ва иккиламчи ҳисоб рақамлари, картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи тегишли маълумотноманинг асл нусхаси;*
- *талабгорнинг ишчи органига тендер савдоларида қатнашиш учун таклиф этаётган маҳсулот намуналарини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси.*

Саралаш босқичи ўтказилиши муддати тендер комиссияси томонидан белгиланади.

Тендер комиссиясининг топшириғига мувофиқ ишчи орган ёки ишчи гуруҳи талабгорларнинг ишлаб чиқариш жойлари, технологик ускуналари мавжудлиги, ишлаб чиқариш қуввати ва тендер таклифини бажариш билан боғлиқ бўлган бошқа кўрсаткичларини ўрганиб чиқиш ҳуқуқига эга.

Тендер савдоларида ғолиб деб топилган корхона ва ташкилотлар Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий органлари билан имзоланган шартномалар бўйича барча мажбуриятларини шартномада келишилган муддат ичида бажаришлари талаб этилади.

Тендер савдолари тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун тендер комиссиясининг ишчи органи ҳисобланган «Ўқув таълим-таъминот» давлат унитар корхонасига эълон чоп этилган кундан бошлаб (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги санасига қадар ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

**Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри,**
**Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 92-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 268-03-37, 267-71-73.**
**Факс: (8-371) 268-03-37.**

Тендер ҳужжатлари пакетини сотиб олиш истагида бўлган талабгорлар ишчи органнинг қуйидаги махсус ҳисоб рақамига 1 000 000 (бир миллион) сўм миқдорида қайтариб берилмайдиган тўловни амалга оширишлари лозим. Банк махсус ҳисоб рақами: 20210000700101561002, АТ «Ипотекабанк»ининг «Меҳнат» филиали, МФО: 00423, СТИР: 200524742, ОКОНХ: 71100.

Тендер таклифлари «Тендер савдоларида иштирок этиш йўриқномаси»нинг 3-бўлим 8.1-бандида кўрсатилган миқдорларда закалат пули билан бириктирилган бўлиши керак. Закалат пули алоҳида тузиладиган шартномага мувофиқ, тендер комиссияси ишчи органининг юқорида келтирилган махсус ҳисоб рақамига ҳар бир лот бўйича алоҳида тендер таклифини топшириш бўйича кўрсатилган санасидан кечиктирилмасдан ўтказилиши лозим.

Тендер таклифлари тендер комиссиясининг ишчи органига (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) юқорида кўрсатилган манзил бўйича 2010 йил 16 февраль куни соат 15.00 дан кечикмасдан тақдим этилиши лозим.

Тендер таклифлари солинган конвертларнинг очилиши тендер комиссияси томонидан амалга оширилади. Конвертларнинг очилиш санаси ва муддати тендер комиссияси томонидан олдиндан белгиланади ҳамда талабгорларга тендер комиссиясининг ишчи органи томонидан қўшимча хабар берилади.

Тендер таклифлари солинган конвертлар очилишида тендер савдоси талабгорларидан вакиллар қатнашиши мумкин.

32R/55

---

**Республика Кўчмас мулк биржаси ЁАЖ**

## Самарқанд вилояти филиали

**бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**Аукцион савдосига Самарқанд шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан 2009 йил 20 январдаги 2-164-08-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 222-уйда жойлашган, қурилиш майдони 200,98 кв.м. бўлган тўрт қаватдан иборат бино ҳамда 22 турдан иборат мол-мулклар мулкий мажмуа сифатида такроран қўйилмоқда.**

**Бошланғич баҳоси — 405 711 434 сўм.**

Мулклар билан суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

**Аукцион савдоси 2010 йил 9 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

***Талабгорлар диққатига!*** Ушбу мулклар 2010 йил 9 февралдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдоси 2010 йил 2 март куни бўлиб ўтади. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни (8-366) 233-80-56 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий веб-сайти орқали олиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Самарқанд вилояти филиалининг АТ «Турон» банки Самарқанд шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452123, МФО: 00282, СТИР: 200933850.

**Манзил: Самарқанд шаҳри,**
**Бўстонсарой кўчаси, 85-«А» уй.**
**Телефон: (8-366) 233-80-56.**

**www.rkmb.uz**

*Лицензия: DB 001 № 000004.*

29R/840

---




30R/1835

CSP
ПП «ЧИРЧИК ШАНХАЙ ПЛАСТ»
ПРОИЗВОДИТ
НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ
ТРУБЫ
ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1 200 мм
ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ,
КОМПЛЕКТУЕТ АДАПТЕРАМИ, СОЕДИНИТЕЛЯМИ,
ОТВОДАМИ, ТРОЙНИКАМИ.
ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ.
Товар сертифицирован, гарантия — 5 лет, срок службы — 50 лет.
Адрес: г. Ташкент, ул. Шайхантохур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАБЗАК».
Тел./факс: 241-70-06, 244-83-00,
моб. (+998 93) 547-49-75, (+998 90) 995-19-99.
e-mail: sedou2006@yandex.ru
20R/1016


Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси Маҳобатли рангтасвир кафедраси профессори Р. А. Худойбергановга фарзанди

**Фарҳод ХУДОЙБЕРГАНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Агробанк” очиқ акциядорлик тижорат банки Кенгаши ва Бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви раисининг ўринбосари, “Агробанк” ОАТБ Кенгаши аъзоси Муродилла Эшматовга падари бузруквори

**ЁҚУБ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси катта илмий ходим, физика-математика фанлари номзоди Феруза Умаровага онаси

**ҲАЛИМА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



# ЭНГ ГУЛЛАГАН ЁШЛИК ЧОҒИМДА

## Пойтахтга саёҳат

**Яқинда бир гуруҳ қорақалпоқ ёшлари пойтахтимизга саёҳат қилдик. Азим шаҳарнинг сўлим гўшалари, зиёратгоҳ масканлари, бири-биридан кўркам биноюю иншоотларига боқиб, юракда фахр ҳиссини туйдик.**



**Гўзал Тошкент 2200 йиллик тўйи баҳона янада чирой очиб, кўркамлашиб, улуғвор қиёфага эга бўлибди. Муаззам шаҳарни зиёрат қилар эканмиз, энг аввало, Бош майдонимизга бориб, Бахтиёр Она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдик.**

**Халқимизнинг эзгу ниятларини ифода этиб турган ушбу муқаддас гўшада бир озгина сайр этсангиз, бас, кўнгилдаги жамики тоза туйғулар қайта кўз очгандек бўларкан. Осойишталик элчиси бўлмиш лайлаклар макон тутган, беозор қалдирғочлар ин қурган шундай фаровон, қут-баракали юртда яшаётганинг ҳаққи-ҳурмати шукроналар айтаркансан. Ўша топда мен ҳам: «Яратган шундай саодатга насибамни қўшибди, жаннатмонанд, гўзал ва бебаҳо Ватанда туғилиш бахтига муяссар қилибди, шунга яраша мен нима қила олдим, юртимнинг ёруғ келажаги йўлида қандай эзгу ишларни амалга оширишим мумкин?», деб ўз-ўзимга савол бердим.**

### Туйғу

... **Ё**шлар ижод саройига кириб бордик. Бу ерда машҳур рассом Акмал Нур ижодига бағишланган кўргазма бўлаётган экан. Ўзбекона қадриятлар мавзуси, маъсума аёл сиймоси, фаровон оила бағридаги ҳавас қилса арзигулик муҳит, икки ёшнинг беғубор муҳаббати акс эттирилган тасвирий санъат асарлари бизга бир олам таассуротлар ҳадя қилди.

Шундан сўнг Темурийлар тарихи ҳамда Ўзбекистон давлат санъат музейларида бўлдик. Халқимизнинг буюк ўтмиши, бебаҳо қадриятлари, улуғ аждодларимизга хос эзгу ишлардан сўз очиб турган ушбу масканлар ҳар бир кишига чинакам маънода маънавий озуқа беради, дунёқарашини бойитади. Ушбу музейлар экспонатларини хорижлик меҳмонлар ҳам ҳайрат, ҳавас ва қизиқиш билан томоша қилишарди. Улар билан инглиз тилида суҳбатлашдик, юртимиз ҳақидаги таассуротлари билан қизиқдик. Соҳибқирон бобомиз ҳақидаги илиқ фикрларини тинглаб, ғурурландик.

Тошкентга саёҳат бизга унутилмас дамларни ҳадя этди. Гўзал пойтахтимиз миқёсида амалга оширилаётган улкан бунёдкорликлар ҳар биримизнинг кўнглимизда яратувчанликка бўлган ҳавас ҳиссини оширди. Тошкентнинг гўзал жамолига боқиб, она шаҳримиз, маҳалламизнинг гуллаб-яшнашига баҳоли қудрат ҳисса қўшсак, юртимиз обод масканга айланишини янада теранроқ ҳис этдик.

**Гўзал ҚУРБОННАЗАРОВА.**

**Мамлакат тараққиётида малакали кадр, етук мутахассисларнинг ўрни беқиёс. Шу боис истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимида улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида муҳташам ўқув юртлари қурилиб, фойдаланишга топширилаётир. Хусусан, олий ўқув даргоҳларини сўнгги технологиялар асосида жиҳозлашга, ўқитиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли соҳада ўзгаришлар яққол кўзга ташланди. Минглаб иқтидор эгалари кашф этилиб, улар бугунги кунда иқтисодиётимизнинг турли жабҳаларида меҳнат қилишмоқда. Юртбошимиз томонидан янги 2010 йилга “Баркамол авлод йили” деб ном берилиши, шубҳасиз, ёшларимиз орзуларига қанот бағишлайди. Мазкур саҳифа орқали ана шундай ёш иқтидор эгалари ҳақида ҳикоя қилишда давом этамиз.**

## КАСБИДАН КАМОЛ ТОПГАНЛАР

Истиқлол берган имкониятлар туфайли бугун ёшлар орасидан иқтидорли мутахассислар етишиб чиқмоқда. Шўрчи туманидаги 1-мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси Мамаражаб Болтаев ана шундай ёшларимиздан.

Эртадан кечга қадар уни мактабдан топасиз: ҳали болаларга кўчатни пайванд қилишни ўргатаётган бўлади. Ёки шогирдларини атрофига чорлаб, оёғи қийшайган ўриндиқни созлаётганига, очилиб ёпилиши қийинлашган эшикни тузатаётганига, шогирдлари ясаб келган қуш уясиними, саватчаними баҳолаётганига кўзингиз тушади.

Болтаевнинг етти ўлчаб бир кесишнинг ҳадисини олган, дераза ромига ойна қўйишга, қулф ўрнатишга қўли келиб қолган шогирдлари оз эмас. Улар бир танадан икки-уч хил мева берадиган дарахт ўстирадилар. Мактаб ҳовлисида, хонадонларида ноёб гулларни кўпайтирадилар. Деҳқончиликка қизиқадилар. Шунинг учун ҳам меҳнат таълими дарсларида “аъло” баҳоларга ўқийдилар.

Мактабда бўлганимизда биз айнан шу боғлиқликни кузатдик. Яна бир ўқувчи Назира Хидирова дарслари тугаганидан сўнг “Моҳир қўллар” деб аталувчи тўгаракка келди. Каштачилик билан шуғулланаяпти. Бундан олдин у қўғирчоқ ясашни ўрганган эди.

### Интилиш

Рангдор калавалар билан либос берган қўғирчоқларини мактабгача тарбия масканлари қўлма-қўл қилиб олиб кетишаётувди. Қизиғи, калава ва кашта ипларини ҳам Назира ўзи тайёрлайди. Унинг қўғирчоқларга кийгизилган жимжимадор-жингалак калава сочли қалпоқчаларини кўрсангиз ҳавас қиласиз...

9-синф ўқувчиси Феруза Йўлдошеванинг тўқувчилик-каштачилик олами ҳам ранг-баранг. Сўзаналарида қўзичоқлар чопқиллашаётгандай. Асаларилар гулдан-гулга қўниб ўйноқлашаётгандай.

Бу санъатни улар меҳнат таълими дарсларида ўрганишган.

Туманнинг 3-умумтаълим мактабида эса меҳнат таълими дарслари миллий қадриятларимизни улуғлашга, эъзозлашга боғлаб ўтилаётгани ибратли. Ёш меҳнат ўқитувчиси Меҳри Ғаффорова изланди, интилди. Ўқувчиларга етказиш учун у момолардан ноёб дастгоҳда жияк тагини тўқишни ўрганди. Жиякка чироз тортиш санъатини эгаллади. Чақалоқлар учун қуроқли дўппи, бойсунча каллапўш тўқиш сирларидан қўшимча дарслар ташкил қилди.

Меҳнат таълимидаги бу тажрибалар 59 та умумтаълим мактабларининг ҳаммасида тарғибот қилиб, ёйиб борилаяпти. Меҳнатга меҳр, касб-ҳунарга уқув, катта ҳаётга қизиқиш, табиийки, шу йўналишларда шаклланиб, камол топиб боради.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Меҳнатнинг муносиб рағбатлантирилиши ҳар бир касб эгасини янги ва юксак марралар сари ундаши табиий. Шукрки, истиқлол туфайли мамлакатимиз таълим тизимида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилаяпти, устоз ва мураббийлар меҳнати юксак қадр топди.**

## Қобилият амалиётда тобланади

Табиийки, бундай эътибор биз, ёш педагогларни жўшқин фаолият юритишга ундайди. Бунинг учун эса барча имкониятлар эшиги очиқ. Қолаверса, таълим соҳаси ходимларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий этилаётган турли кўрик-танловлар ҳам бизга қанот бағишламоқда.

Масалан, менинг ўзим 2009 йилда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармасининг Педагогик грантлар дастурида ғолиб, деб топилдим.

### Рағбат

Кўрик ҳайъатига “Тўқимачилик саноати соҳасида касбий таълим сифатини ошириш” деб номланган лойиҳамни тақдим этдим. Ундан кўзланган мақсад замонавий техника ва технологияларни тез ўзлаштиришга қодир малакали мутахассисларни тарбиялашдир.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда хорижлик ҳамкорлар билан биргаликда фаолият олиб бораётган қўшма корхоналар кўпайди. Ушбу корхоналарда мураккаб технологиялар, замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида маҳсулот ишлаб чиқарилади. Табиийки, бўлажак соҳа ходимларининг бу борада пухта билим ва кўникмага эга бўлиши ҳар жиҳатдан муҳим. Бунинг учун талабаларда амалий кўникмалар ҳосил бўлиши, техника билан тиллашиш учун уни тўла ўзлаштирган бўлишлари лозим. Шу мақсадда турли корхоналарда бўлиб, улардаги шарт-шароит билан яқиндан танишиб, мураккаб технологияларни қўллаш қоидаларини синчиклаб ўргандим. Сўнгра замонавий техник ускуналар билан ишлашда қўл келадиган видеослайд яратишга муваффақ бўлдим.

Мазкур лойиҳа талабалардан ташқари, ҳамкасбларимда ҳам катта қизиқиш уйғотганлигидан хурсандман. Ўзим эса кўрикда иштирок этиш асносида бошқа ҳамкасбларим томонидан амалиётга татбиқ этилаётган кўплаб янгиликлар, интерфаол усулларда машғулот ўтказиш сингари самарали услубий воситалар билан яқиндан танишдим. Бундай тадбирлар биз, ёш ўқитувчиларнинг келгусида янги ғоялар устида ишлашимизга омил бўлади, албатта.

**Улуғбек АБДУЛЛАЕВ,**
**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ўқитувчиси.**

*Йигирма тўрт ёшдаман. Тошкент фармацевтика институтининг биотехнология факультетини тамомлаб, магистратурада иммунологик ва микробиологик препаратлар технологияси мутахассислиги бўйича таҳсил олдим. Ҳозирда эса Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалининг микробиология ва эпидемиология кафедраси аспирантиман.*

## Эътибор изланишга ундайди

Биз, ёшлар изланишга, янгилик яратишга иштиёқмандмиз. Шундай қизиқувчанлик менда ҳам кучли. Аслида, ҳаётда яшашдан мақсад ҳам шу — муайян бир соҳани танлаб, ўша йўналиш бўйича билим олдингми, демак, келгусида салоҳиятингни ишга солиб, касбинг ривожига улуш қўшишга ҳаракат қилмоғинг керак.

### Иштиёқ

Масалан, биз, тиббиёт соҳаси бўйича ўқиб изланаётган ёшлар, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлардан руҳланган ҳолда юксак билим ва малакага эга бўлишни астойдил ният қиламиз. Чунки эл саломатлигини асраш, инсон дардига малҳам бўлиш учун қўлдан келганича ҳаракат қилиш бугунги мутахассиснинг асосий бурчидир. Илк бор ўқув юрти остонасига қадам қўйганимиздаёқ, устозлар бизга шуни уқтиришган.

Бугун мазкур ақидага амал қилган ҳолда ўзимни қизиқтирган бир тадқиқот устида иш олиб бораяпман. Яъни, касаллик қўзғатувчи микроорганизмларнинг дори-дармонларга нисбатан сезгирлигини аниқлаш ва шу асосда янги антибактериал препаратлар яратиш бўйича изланмоқдаман. Илмий изланиш асносида жаҳон илм-фанида эришилган ютуқларни ўрганиш, таҳлил қилиш, энг сўнгги нусхадаги илмий адабиётлар билан танишиш лозимлигини янада чуқурроқ тушуниб етдим. Шунинг учун ҳам рус ва инглиз тилларини пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилдим. Натижада мавжуд адабиётларни ўрганиш, Интернетдаги янгиликлардан бохабар бўлиш, хорижлик олимлар, тадқиқотчи талабалар билан илмий ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасида қулай имкониятлар пайдо бўлди.

**У**муман, бугунги кунда илм олиш, малака ошириш борасида барча шароит ва имконият етарли. Шундай экан, биз юрт равнақи ва илм-фан ривожига муносиб улуш қўшишга эришишимиз керак. Бу билан билдирилган ишончни оқлаган, мақсадга етиш йўлида фаол ва дадил ҳаракат қилган бўламиз.

**Фируза ЭШЧАНОВА,**
**Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалининг илмий ходими.**

**Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида юртимиз бўйича жами**

**1 минг 957 та**

**мактаб қурилган ва реконструкция қилинган бўлса, уларнинг 1 минг 622 таси айнан қишлоқларда жойлашгани диққатга сазовордир. Шулар қаторида 2009 йилда қад ростлаган 214 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежининг 170 таси қишлоқларда бунёд этилди.**

Янги **2010** йилда давлат бюджети харажатлар қисмининг

**50** фоиздан

кўпроғи мамлакатимизда фақат таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилади.

### Оила бахти



Темур ҚУРБОНБОЕВ сурат-лавҳаси.

**Ўн йилдан ошибдики, спорт билан астойдил шуғулланиб келмоқдаман. Ўн олти ёшда илк ғалабага эришгандим. Ўшанда 48 килограмм вазн тоифасида миллий спорт туримиз — кураш бўйича Ўзбекистон чемпионатида ғолибликни қўлга киритдим.**

## Асло бўш келмаймиз

Бир вақтнинг ўзида дзюдо машғулотларида иштирок этганим учун ўша йили, яъни 2004 йилда мазкур спорт тури бўйича ҳам республика биринчилигида зафар қучдим.

Менимча, меҳнат ва ҳаракатдан тўхтамаган, доимо юқори натижаларни кўзлаган спортчига омад ҳамиша кулиб боқади. Бунинг нечоғли ҳақиқат эканлигини жаҳон миқёсида эришаётган ютуқларимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Бундан икки йил муқаддам Мўғулистон пойтахти Улан-Батор шаҳрида миллий курашимиз бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари ташкил этилди. Не бахтки, менга ана шу беллашувларда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш насиб этди ва мусобақаларда муваффақиятли қатнашдим. Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида яккакураш спорт турлари бўйича ўтказилган I Осиё ўйинларида миллий спорт туримиз — кураш бўйича олтин медаль соҳибаси бўлдим.

Бу каби ютуқларимиз Истиқлол имкониятлари, Юртбошимизнинг спортимиз ривожига қаратаётган юксак эътибори самарасидир.

### Аҳд

Мамлакатимизнинг қай бир гўшасига борманг, бири-биридан кўркам ва муҳташам спорт кошоналарини кўриш, бундай мажмуаларда спорт билан шуғулланаётган, улкан мақсадларни дилига туккан минглаб тенгдошларимизни учратиш мумкин. Энг муҳими, бундай эзгу ният ва интилишлар бир кун келиб ўз самарасини бериши аниқ.

**Муқаддас КУБЕЕВА,**
**спортчи.**

## Санъатга ихлосим баланд



**Илк бор олти яшарлигимда катта саҳна юзини кўрганман. Ўшанда “Топмадим” деган мумтоз қўшиқни ижро этгандим. Шу-шу саҳна аталмиш муқаддас даргоҳ мен учун азиз ва қадрдон бўлиб қолди. Мана, ўн йилдирки, санъат мухлисларининг олқишларидан, устозларимнинг меҳри ва эътиборидан илҳомланиб яшаяпман.**

### Иқтидор

**Қ**албимда санъатга ихлоснинг кучайиши Навоий шаҳридаги болалар мусиқа мактабининг скрипка ва ашула бўлими билан боғлиқ. Бу ерда она тилимда қўшиқ айтиш билан бирга рус, украин, инглиз, итальян тилларида куйлашни ҳам ўргандим. Мактабда олган билимларим туфайли бир неча халқаро танловларда қатнашиб, ғолиб бўлдим. Илк бор Италияда ўтказилган “Дўстлик” фестивалида “Карузо хотираси” ва “Осолемио” номли мусиқий асарларни куйладим. Ўшанда эндигина ўн ёшга қадам қўйгандим. Фестиваль лауреати бўлганимни эшитган онамнинг, устозларимнинг қувончини ўшанда бугунгидек чуқур ҳис этмаганман, очиғи. Энди билсам, бу муваффақият менинг иқтидоримни юксалтириш учун бор меҳри ва кучини аямаган азиз инсонлар учун бебаҳо ютуқ, беқиёс бахт бўлган экан...

Хориж фестивалларида қатнашиш, юрт кезиб, дунё кўриш киши қалбига завқ, кўтаринкилик, ҳарорат бахш этади. Бундан беш йил муқаддам Болгариянинг Варна шаҳрида ўтказилган “Денгизнинг юлдузли осмони” фестивалида кумуш медалга сазовор бўлганимда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Шунингдек, Венгрия пойтахти Будапештда “Ёшлик, илҳом, иқтидор” халқаро танловида иштирок этиб, жаҳоннинг 32 мамлакатидан келган 64 хонанда орасида олтин медаль билан тақдирландим. Сўнг Москва шаҳридаги “Роза ветров” фестивали, Украинадаги “Вивади” халқаро танловларида қатнашиб, биринчи ўрин соҳиби бўлдим.

**Т**ўғри, киши ўз ютуғи ҳақида ўзи гапирса, бир оз эриш туюлади. Бироқ кўнглимда фахр ила муваффақиятларим хусусида сўз очаётганимнинг сабаби бор. Демоқчиманки, агар истиқлол бўлмаганида бугунгача жаҳоннинг ўн тўрт мамлакатида ўтказилган нуфузли фестиваль ва танловларда салоҳиятимни намоён этолмаган бўлардим. Буларнинг бари Президентимизнинг биз, ёшларга эртанги куннинг ҳал қилувчи кучи сифатида юксак ишонч билдирганликлари самарасидир. Биз билдирилган ишончга жавобан, бор куч ва иқтидоримизни ишга солишимиз, тенглар ичра тенг бўлиб, маҳоратимизни намоён этишимиз даркор.

**Суҳроб КЕНЖАЕВ,**
**«Ниҳол» мукофоти совриндори.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 04. 61238 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.00 Топширилди — 23.45 1 2 4 5